



## SHRINES ASSOCIATED WITH THE KASHKADARYA OASIS ECOTOURISM

**Sanabar Nurmatovna Djuraeva**

*doctor of history*

*National University of Uzbekistan*

*Tashkent, Uzbekistan*

*E-mail: [sanabar.djuraeva@bk.ru](mailto:sanabar.djuraeva@bk.ru)*

**Dildora Valisherovna Alinazarova**

*PhD*

*National University of Uzbekistan*

*Tashkent, Uzbekistan*

*E-mail: [dildoraalinazarova@gmail.com](mailto:dildoraalinazarova@gmail.com)*

---

### ABOUT ARTICLE

---

**Key words:** ecotourism, shrine, mausoleum, monument, object, architecture, value, tradition, custom, tourism, tourist.

**Received:** 29.02.24

**Accepted:** 02.03.24

**Published:** 04.03.24

**Abstract:** The article provides information that tourism has become a priority in the countries of the world today, and that our country has a high potential and competence in the development of pilgrimage tourism related to our natural ecological, spiritual and material heritage. At the same time, the Kashkadarya Oasis, which is the southern region of Uzbekistan, highlights information about the Islamic world, scientists, khojas, local shrines and sanctuaries related to ecotourism based on scientific facts and field research.

---

## ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ ЭКОТУРИЗМИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЗИЁРАТГОҲЛАР

**Санабар Нурматовна Джураева**

*тарих фанлари доктори*

*Ўзбекистон Миллий университети*

*Тошкент, Ўзбекистон*

*E-mail: [sanabar.djuraeva@bk.ru](mailto:sanabar.djuraeva@bk.ru)*

**Дилдора Валишеровна Алиназарова**

*PhD*

*Ўзбекистон Миллий университети*

*Тошкент, Ўзбекистон*

*E-mail: [dildoraalinazarova@gmail.com](mailto:dildoraalinazarova@gmail.com)*

---

**МАҚОЛА ҲАҚИДА**

---

**Калит сўзлар:** экотуризм, зиёратгоҳ, мақбара, обида, объект, архитектура, кадрият, анъана, урф-одат, туризм, турист.

**Аннотация:** Маскур мақолада бугунги кунда туризм йўналиши жаҳон давлатларида устувор соҳага айланганлиги, ҳозирда мамлакатимизда табиий экологик, маънавий, моддий меросимиз билан боғлиқ зиёрат туризмини ривожлантиришда имконият, салоҳиёт юқорилиги ҳақида маълумотлар келтирилган. Шу билан бирга Ўзбекистоннинг жанубий худуди бўлган Қашқадарё воҳасида ислом олами номоёндалари, алломалар, хўжалар ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган, экотуризм билан боғлиқ зиёратгоҳлар, кадамжолар ҳақидаги маълумотлар илмий фактлар, дала тадқиқотлари асосида ёритиб берилган.

---

**СВЯТЫНИ, СВЯЗАННЫЕ С ЭКОТУРИЗМОМ КАШКАДАРЬИНСКОГО ОАЗИСА**

**Санабар Нурматовна Джураева**

*доктор истории*

*Национальный университет Узбекистана*

*Ташкент, Узбекистан*

*E-mail: [sanabar.djuraeva@bk.ru](mailto:sanabar.djuraeva@bk.ru)*

**Дилдора Валишеровна Алиназарова**

*PhD*

*Национальный университет Узбекистана*

*Ташкент, Узбекистан*

*E-mail: [dildoraalinazarova@gmail.com](mailto:dildoraalinazarova@gmail.com)*

---

**О СТАТЬЕ**

**Ключевые слова:** экотуризм, святыня, мавзолей, памятник, объект, архитектура, ценность, традиция, обычай, туризм, турист.

**Аннотация:** В статье представлена информация о том, что сегодня туризм стал приоритетным направлением в странах мира, и что в нашей стране имеется высокий потенциал и компетентность в развитии паломнического туризма, связанного с нашим природным экологическим, духовным и материальным наследием. В то же время в Кашкадарьинском оазисе, который является южным регионом Узбекистана, на основе научных фактов и полевых исследований освещаются сведения об исламском мире, учёных, ходжах, местных святынях и святилищах, связанных с экотуризмом.

---

## КИРИШ

Туризм йўналиши бугунги кунда жахон давлатларида устувор соҳага айланган вақтда мамлакатимизда табиий, экологик, маънавий, маданий, моддий меросимиз билан боғлиқ зиёрат туризми салоҳиятини ривожлантириш, у ерга маҳаллий аҳоли билан бирга хорижий туристларни ҳам жалб қилиш давлат истиқболлини белгилайди.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда туризмни юксалтириш учун туристик объектларнинг минтақалардаги имкониятларини тадқиқ этиш, жумладан, тарихий обидалар, архитектура ёдгорликлари, қадамжолар, зиёратгоҳлар, табиий ландшафт ва рекреация ресурсларидан тўғри ва самарали фойдаланиш йўллари илмий асосда ўрганиш ва тегишли амалий тавсияларни ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга.

## АСОСИЙ ҚИСМ

Республикада зиёрат туризмини ривожлантиришда Ўзбекистоннинг жанубий худуди ҳисобланган Қашқадарё вилоятида жойлашган зиёратгоҳ ва муқаддас қадамжолар, экотуризм билан боғлиқ объектларнинг ўрни катта. Вилоятдаги тарихий, архитектура, ва археологик обидалар, қадамжолар ҳамда ўзига хос маданий ва этнографик анъаналар минтақа туризм хазинаси ҳисобланади. Ўзбекистон туризми моддий-техник баъзасининг 87% Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм вилоятларига тўғри келсада, Қашқадарё, Сурондарё воҳаларида ҳам туристларни жалб этиш мумкин бўлган кўплаб маданий, экотуризм билан боғлиқ зиёрат объектлари мавжуд.

Китоб туманининг шимолий-шарқида Ҳазрати Султон тоғи жойлашган, у денгиз сатҳидан 4135 метр баланд бўлиб, Зарафшон ва Ҳисор тоғ тизмаларининг айрилиш жойида Гова чўққисига туташган. Бу жой Ҳазрати Султон номи билан боғлиқ қадамжо бўлиб, маҳаллий аҳоли уни “Кўҳи тавба”, “Авғойи қиёмат” деб атайдди [1:37].

680 йили Халифа Муовия вафотидан кейин Ироқда уммавийларга қарши ҳаракат бошланади. Қуфа шиалари Имом Хусайнни ўзларининг имоми деб Қуфага ташлиф қилади ва Халифа Язидга қарши қўзғолонга бош бўлишни сўрайдилар. Имом Хусайн жангчилари билан Маккадан Қуфага етган вақтда Карбало даштида халифаликнинг етти минг қўшини қарши чиқади. 680 йили 10 октябрда Имом Хусайн (Р.А)ни Синан ибн Авс ибн Амир ан-Нахъий найза санчиб ўлдирган эди... Синан ўзи отдан тушиб каллани танадан узди. Бу мислсиз жиноят ҳижрий 61 йил жума куни бўлди. Ўша куни ашуро кунига тўғри келган эди [2:129]. Имом Хусайн Карболо даштида дафн этилган. Бу жой шиаларнинг муқаддас зиёратгоҳи ҳисобланади.

Ривоятда Имом Хусайн жангда ҳалок бўлгач боши танадан жудо қилиниб, Язидга келтирилади. Қўшин бошлиғи Хўжа Довуд Дамашқий Имом Хусайннинг боши ўрнига ўз ўғли Хусайннинг бошини қолдириб каллани олиб қочади. Гова чўққисига олиб келади. Шу

ерда дафн этади. Чўққига етиб боргач шериги Мубил ота ҳам шахид бўлади. Ҳазрати Султон тоғининг баланд чўққиси 70-80 киши намоз ўқиши учун тошни тарашлаб қўйгандек текис, супанинг ғор, яъни қибла томонида қабр бўлиб, унга Имом Ҳусайннинг боши қўйилганлиги айтилади [3:34].

Шунингдек, Китоб туманининг тоғ худудидаги Ҳазрати Башир қишлоғида Ҳазрати Султон Саид Аҳмад (1368-1464) номи билан боғлиқ археологик ёдгорлик (XV аср) мавжуд бўлиб, у “Шоҳак” деган манзил билан боғланиб, бу йўл Ҳазрати Башир зиёратгоҳига, иккинчиси Самарқандга олиб боради. Ҳазрати Султон тоғининг сири ханузгача инсониятни лол қолдириб келади. Тоғ Китоб туманининг шимолий шарқда жойлашган бўлиб, баландлиги жиҳатдан Республикада 5 нукта ҳисобланади. Денгиз сатҳидан 4135 метр баланд бўлиб, Китоб шаҳридан 82 километр шимоли шарқда Тожикистон Республикаси билан чегарадош. Зарафшон ва Ҳисор тоғ тизимларининг айрилиш жойидаги Ғова чўққисига туташ [4].

Ҳазрати Башир зиёратгоҳи Китоб шаҳридан 30,5 километр шимолий-шарқда Хабаш ва Кўл тоғлари оралиғидан оқиб ўтувчи Қашқадарё соҳилидаги Ҳазрати Башир қишлоғида жойлашган.

Нақшбандия таълимотида ёрқин из қолдирган забардаст авлиёлардан бири Ҳазрати Султон Саид Аҳмад Башир Ҳазрати Баҳовуддин Балогардон бўлиб, у киши ислом оламида “Мири Ҳақиқат” макомига эга бўлган. Ҳазрати Башир (1368-1464) Амир Темур Кўрагонийнинг пири Сайид Бараканинг укалари Сайид Неъматиллонинг кароматлари, дуолари туфайли оламга келган. оталари Хўжа Ҳасан 90 ёшда, оналари Биби Малокат 80 ёшда бўлганларига қарамай, фарзандлари бўлмаган. Бола туғилгач, унга Саид Аҳмад, деб ном қўйишган. Оналари Биби Малокатдан сут келмагач, ёш Саид Аҳмад сутсиз вояга етган. Шунинг учун номларига Башир (Бешир – сутсиз дегани) тахаллуси қўшиб айтилган. Саид Аҳмаддан кейин яна оналари Саид Али ва Ҳожа Аҳмад исмли икки фарзанд кўради [5:178-179].

Ҳазрати Башир ёшлигидан (18 ёшдан) Куръони Карим ва бошқа китобларни ўқий бошлайди. Ҳазрати Шайх Бузрукворнинг тариқатларида сўфизмда учрамайдиган рақсу ва симо усули бўлган. Рақсу симо Имоми Шофий мазҳабида учрайди. У киши зикр қилиб рақсу симога усталик билан тушганлар [1:30].

Ҳазрати Башир салоҳият эгаси бўлиб у кишининг таърифларини эшитиб, мусулмон оламининг турли бурчакларидан шогирд сифатида келишган. Булар орасида Усмон Туркистоний, Шахрисабзлик Шайх Шамсиддин, Шайхи Поянда, Саид Али, Дарвеш Муҳаммад Кодубоз, Сайид Муҳаммад Шахбозий Ҳақиқат, Мавлоно Лутфуллоҳ, Мавлоно Исмоил, Мавлоно Аминуддин, аёллардан: Биби Робия, Биби Соҳиба, Ҳазрати Бузрукнинг

завжаи ҳалоллари Биби Фотима, Биби Бахт Султон, Биби Дурсултон, Биби Туркона, Биби Хованд Султонлардек улуғлар бўлган. Буларнинг аксарияти Ҳазрати Башир қишлоғида дафн этилган. Ҳазрати Башир Ҳазрати Баховуддин Балогардондан кейин ислом оламида Нақшбандия таълимотида ёрқин из қолдирган забардаст авлиёлардан бири бўлган, “Мири Ҳақиқат” мақомига эга бўлган. Ҳазрати Башир 1464 йилда оламдан ўтади. Башир қишлоғидаги Ниёзтепада дафн этилган [1:31].

Ҳазрати Башир қишлоғида XV аср ёдгорлиги бўлган Ҳазрати Башир сағанаси қўйилган бўлиб, у катта масжид ва мақбарани ўз ичига олади. Бу сағана Ўзбекистоннинг ноёб меъморчилик ва амалий санъат асари ҳисобланиб, мақбара ёдгорлиги XVI асрнинг охири – XVII аср бошларида бунёд этилган, унинг шакли Темурийлар даврида ясалган тош обидаларни эслатади. Бу йирик бирикма (204×84 см.) икки поғонали тағламага ўрнатилган бўлиб, усти ясси, ҳашамли ва серқирра. Обиданинг узун қирралари бўйлаб учта квадратли безак ўрнатилган [6:6-9]. XVIII аср масжиди тўртбурчак (9,78×977 м.), синчли, деворлари лойшувоқ қилинган. Унинг ҳар томонидаги (8,2 м. тўртбурчак) хонақоҳнинг шипига ясси тоқи териб ёпилган. Масжиднинг шарқий эшиги айвон томонга очилади. Мақбаранинг шакл жиҳатдан ажиб нозиклиги, кучли композицияси кишида кучли таассурот қолдиради. Хонақоҳ марказий тўрт томонлама ҳудуддан иборат бўлиб, унда тўртта устун уч томондан айвон билан ўралган [7:92].

Совет даврида динга бўлган тазйиқ туфайли 1940 йилларда бино бузиб ташланган. Ҳозирда Башир ота қабристони жойлашган тепаликнинг пастки қисмида чашма ёнида янги масжид қурилган. Шу ердаги Жунайдулло Ислоншайх ўғли Ҳозик томонидан 1842-1843 йил қурилган чиллахона (ғор) ҳам мавжуд [1:29]. Ҳазрати Баширнинг ён томонида икки фарзанди ва бир хизматкорининг қабри бор. Қабрнинг дала қисмида 1450 йилга тегишли мўғул подшоси Саййид Жамолиддин қабртоши топилган [8:81-82].

Бу зиёратгоҳнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, Ҳазрати Башир аслида Мирзо Улуғбек замонида яшаган. У расадхонанинг қуйи қисми “Пойи расад”ни қуриб, 7-8 йил Шайх Ҳазрати Султон Саид Аҳмад ҳимоясида иш олиб борган [1:28-29]. Улуғбек вафотидан кейин шогирди Али Қушчи расадхонадаги китоблар ва секстантини Башир қишлоғидаги Ниёзтепага жойлаштирган. Ҳатто маҳаллий аҳоли мазкур китоблар сақланган сандиқ тоғдаги тошга айланганини ва унинг кўриниши тоғ тошида акс этганини ҳам таъкидлайди. Воҳада маҳаллий аҳоли орасида мақбара ёнида Ҳазрати Башир ҳассасидан кўқарган арча ва у киши яратган пистазор ҳам бор [9:40].

Сийпантош ота ёдгорлиги Чироқчи тумани Қуруқсой қишлоғида жойлашган ёдгорлик мезолит-бронза асрида пайдо бўлган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 8 мартдаги “Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги 198-сонли Қарорида кўрсатилган Варганза, Ҳазрати Башир, Ғелон, Сувтушар қишлоқларида ташкил этилаётган янги туризм йўналишлари, Китоб кенглик станцияси, “Сийпантош” ёдгорлиги ва унинг атрофидаги туристик масканлар ҳақида кўрсатувлар суратга олинди [10].

Китоб шаҳридан чамаси 17 километр жанубий-шарқда Хўжа Исфароз (Хўжа аз-фароз) қишлоғида “Оқ-сув” зиёратгоҳи жойлашган [12]. Маҳаллий халқ бу ерда Шайх Шамсиддин ва фарзандлари Шайх Нажмиддин, кейинчалик учинчи улуғ пир Дарвеш Муҳаммад ҳам дафн этилган, дейишади.

Ҳазрати Хожа Шайх Шамсиддин (ваф. 1501 йил май) Фаробга яқин Хеззан (Тожикистон) қишлоғида таваллуд топган. Аниқ туғилган йиллари ҳақида маълумот йўқ. У киши Собир парранда авлодидан бўлиб, Шайх Антоур шажарасига бориб тақалади. Ёшлигида илми оталаридан олиб, деҳқончилик билан шуғулланган [1:88]. Шайх Шамсиддин “Қол ва ҳол” (тасаввуфий талқинда, зоҳирий ва ботиний илм) илмларига эга бўлган. У киши Кешда Ҳазрати Султон Саид Аҳмад Башир (1368-1464) шогирд тушган. Амир Темур томонидан Оқ-сувнинг чап соҳилида қурдирилган масжид ва мадрасада Шайх Шамсиддин ва ўғли шайх Нажмиддин хизмат қилишган. Фарзандлари Шайх Нажмиддин ҳам оталаридек комилликка эришганлар. Улар вафотидан кейин мадрасани Дарвеш Муҳаммад бошқарган [1:88-91].

А. Чориев китобида: Ҳазрати Шайхи Бузруквори Шайх Шамсиддин камолга етган забардаст авлиёлардандур дебайтдилар. Мени ўзим у зотни тарбия қилиб вояга етқургандурман. Иршод хатини ўзим берганман. Шайхи Шамсиддин катта олим, каромат эгаси бўлганлар [5-303]. Шайх Шамсиддин 1501 йил май ойининг 20 санасида оламдан ўтдилар ва қабрлари Хўжа исфароз қишлоғида жойлашган, деб келтиради [1:91].

Дарвеш Муҳаммад Вахшуворий номи шажараларида Хожа Маҳмуд деб кўрсатилади, Дарвеш Муҳаммад тахаллусидир. Отаси Хожа Офоқ Калон Термиз Саййидларидан эди. У шайх Якуб Чархийнинг неварасига уйланади. Бу никоҳдан Дарвеш Муҳаммад Вахшуворий оламга келади. У тариқат силсиласидан ташқари, насаби ҳам она томонидан машҳур Яъқуб Чархий ҳазратлари хонадонига бориб тақалади. Дарвеш Муҳаммад асосан Чағаниённинг Вахшувор қишлоғида ва Ҳисори Шодмон томонларида яшаган. Вахшуворий нисбати шундан бўлиб [13:39-41], вафоти ҳижрий 970, милодий 1562 йилда Дасфирорда бўлган [2:128]. Қабрлари Китоб тумани Оқ дарё лабидаги Хўжа Исфароз қишлоғида жойлашган.

Дарвеш Муҳаммад (қ.с) ўрта бўйли, гўзал юзли, буғдойранг, оқ соқолли, қадди-комати келишган ва мутаносиб эди. Зоҳирий ва ботиний билимларда мукамал валий-зот, муридларни тарбия ва иршод қилишда фавқулотда бир малака эгаси бўлганлар [14:78]. У тариқат илмини тоғаси Муҳаммад Зоҳид (тахминий 1475-1563) Вахшуворийдан ҳосил

қилиб, ундан иршод ижозатини олганди [15:443]. Дарвеш Муҳаммаднинг тасаввуфдаги қарашлари инсон камолоти, маънавияти ва одоб-ахлоқини тарбия этишда хизмат қилган.

Дарвеш Муҳаммад Кубровия шайхи Камолиддин Хусайн Хоразмий (вафоти / 1551 й) билан учрашгани Нақшбандия шайхи Шайх Амир Али Азизон Ҳиравий (ваф / 1601-1602 й) суҳбат қилгани қайд этилади. “Рисола-дар сулук”, “Рисола-хуш дар дам” каби асарларда Дарвеш Муҳаммадга нисбат берилади. Дарвеш Муҳаммад “Ваҳдат-ул вужуд” таълимоти асосчиси Муҳйиддин ибн Арабийнинг тасаввуфий-фалсафий фикр-қарашларидан чуқур таъсирланган ва шу таъсир натижаси ўлароқ бу мавзуда бир рисола ёзган деган хабар бор [14:78-79].

Мавлоно Дарвеш Муҳаммад Вахшуворий “Хожагон” тариқатининг буюк намоёниси бўлиб, сарҳалқа силсиласининг давомчиси (силсилаи омил) олтин силсиласининг 21-ўринларида турган. “Хожагон Сардафтари” дея аталган йўналиш етакчиси Дарвеш Муҳаммад ўғли Абдулбоқи Хожаги Эмканагийга бош устоз бўлган. Ундан ташқари Хожа Мирак Гумбаз Сабзий, Хожа Муҳаммад Ризо, Мавлоно Шер Муҳаммад, Шайх Солатий, Мир Али Азизон Самарқандий ва бошқаларга ҳам иршод берган [16:34-35].

Оқсув дарёси бўйида Шайх Нажмиддин ва улуғ пир Дарвеш Муҳаммад сағаналари жойлашган. Маҳаллий аҳолининг келтиришича, мазкур қабрлар сағанасининг қурилиши Амир Темур номи билан боғлиқ. Шайхларнинг қабрлари ер устида умумий тўртбурчак шаклда қурилган катта сағана кўринишидаги иншоот ичига қўйилган. Умумий сағананинг баландлиги 4 м., эни тахм. 8 м., бўйи 12 м.ни ташкил этади. Умумий сағана мармар билан қопланиб, оқ ва жигар ранг билан ишлов берилган. Сағананинг ёнида учта шайхнинг исми-шарифи ва яшаб ўтган йиллари ёзилган. Сағана олдида ёғочдан туғ қўйилган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, 1961 йили археологик изланиш баҳонасида улуғ шайхларнинг боши устида қўйилган белги-тошлар олиб кетилган [17:88-91]. Ҳозирги кунда зиёратгоҳ худудида фақат масжид бўлиб, ичида чиллахона бор ва у яхши сақланган. Қурилиш услубига кўра, масжид тўртбурчак шаклда, устига гумбаз ёпилган. Масжиднинг олди очик айвон қилиб ёпилган ва ҳовлисида 600 ёшга кирган халқ тилида “Амир Темур томонидан экилган” деган ном остидаги терак дарахти жойлашган [18:8].

Оқсув дарёси сувининг 200 метри “Оқ сув” зиёратгоҳи номи билан машҳур бўлиб, халқ уни Шайх Шамсиддин каромати, деб ҳисоблайди. У ерга ёз ойларида турли тери касалликларига чалинган беморлар келиб, чўмилиб, шифо топишади. Зиёратгоҳда ҳоки ётган шахслар ўз ҳаёт йўллари, илми, юксак эътиқоди билан дорулфанога кетган бўлсада, аммо руҳан халқни тўғри йўлга бошлайди, эътиқодини тўғрилайди, руҳий куч бўлади.

Дехқонобод тумани Кўрғонтепа маҳалласи Хўжаипок қишлоғи тоғ худудида Туркманистон Республикаси билан чегарададош. У ерда Хўжаипок ота зиёратгоҳи

жойлашган. Зиёратгоҳда ҳалқ орасида араб истилосидан кейин X-XI асрларда ислом динини тарғиб қилиш учун келган 7 хўжалардан бири Хўжаипок ота номи билан рамзий қабр сифатида баҳоланаи.

Хўжа сўзи форсча - обрў эътиборли киши, соҳибу - фахрий унвон ва мурожаат шакли. Марказий Осиёда XX аср бошига қадар Хўжалар-Хулофои-Рошидин (Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али)нинг Муҳаммад (с.а.в)нинг қизлари Фотимадан бўлган авлодларидан ташқари, авлодлари даъво қилувчи шахсларнинг фахрий унвони. Бошқа манбаларда хўжалар арабларнинг фатҳий юришларига бошчилик қилган саркардалар авлодлари деб ҳисобланади [19:551-552].

Дехқонобод тумани Қорадахна қишлоғи орқали Хўжаи-Ипакконсой даралари ва чашмаларига борилади. “Дахна” сўзи форсча қоп-қора деган маънони билдиради. Қишлоқ дара ва қирлардан иборат бўлгани учун “Қора дахна” дейилади. Қишлоқнинг жанубида “Жайра-булоқ” деб номланган булоқ бор. Хўжаипакконсой чашмалари, Шаршар ота ва Шўркўл суви шифобахш бўлиб, бу жой Хўжаипакконсой зиёратгоҳи деб ҳисобланади [20:19].

Хўжаипакконсой чашмалари, Шаршар ота ва Шўркўл суви шифобахш бўлиб, хўжалар номи билан боғлиқ зиёратгоҳларда табиий сув чиқади. Бу сув тери касалликларига даъво. Маҳаллий аҳоли қабри зиёрат қилиш билан бирга тери касалликларига шифо истаб келади. Шундай номдаги Хўжаипок ота зиёратгоҳи Сурхондарё вилояти Олтинсой туманида ҳам мавжуд.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда ватанимиз худудидаги экотуристлик объектларда аллома ва авлиёлар, хўжалар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар мавжуд. У ерда ҳоки ётган шахслар ҳаёти, фаолияти, зиёратгоҳлар тарихи, зиёрат урф-одатларини ўрганиш, маънавий меросимиз сифатида ёш авлодга етказиш, республика, вилоят, туман миқёсидаги зиёратгоҳларнинг мусулмон оламидаги мавқеини ошириш, у ерга маҳаллий ва хорижий зиёратчиларни жалб этиш, зиёрат туризмни ривожлантириш олдимизда турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Миллий қадриятларимизнинг бир бўлаги бўлган зиёрат туризми жаҳон миқёсида Ўзбекистон худуди шундай тарихий қадриятлар макони бўлганлигини, ўлкада ижтимоий-иқтисодий ислохотларни руёбга чиқараётган халқимиз учун буюк келажак барпо этишда, бугунги дунёни янги кўз билан кўриш, уни янгича тафаккур билан идрок этиш жараёнларида, улуғ аждодлар мероси билан танишиши лозимлигини англатади. Бугун йўқотилган барча қадриятларни, бой берилган маданий ва маънавий бойликларни қайтадан тўплаш, анъаналарни тиклаш, ўз миллий қиёфаси билан Янги Ўзбекистонни жаҳон

халқлари сафидан муносиб ўрин эгаллаши юзасидан олиб борилаётган тадбирлар буюк аждодларимиз қолдирган меросни қайта тиклаш, ўзлигимиз, инсоний ҳис-туйғуларимизни, шаънимиз ва ориятимизни ҳимоя қилишга, уни ҳамиша баланд тутишга, халқаро миқёсида ўз ўрнимизга эга бўлишда муҳим аҳамият касб этади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Пармонов О., Бердиев А. Китоб тумани ҳақида лавҳалар. - Тошкент: Фан, 1996. - Б.37.
2. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. - Тошкент: Nilol-nashr, 2016. - Б.129.
3. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ислом тарихи. Иккинчи жуз. - Тошкент: Nilol-nashr, 2018. - Б. 34.
4. Қашқадарё вилояти Маданий мерос бош бошқармаси маълумоти. Қарши шаҳри, 2021 йил 19 август.
5. Чориев А. Ҳазрати Султон тарихи ва Ҳазрати Башир маноқиби. Тошкент: Шарқ, 1996. – Б. 178-179.
6. Маданий мерос департаменти архиви. КД-7036 фонд, Л-рўйхат, 11-иш, 6-9 варақлар.
7. Назилов Д.А. Архитектура горных районов Узбекистана. - Тошкент: Фан, 1984. – С. 92.
8. Маданий мерос департаменти архиви. КД-9712 фонд, 3-рўйхат, 34-иш, 81-92 варақлар.
9. Джураева С. Қашқадарё вилояти Китоб тумани зиёратгоҳлари // Имом Бухорий сабоқлари. - Самарқанд, 2020. - № 3. -Б. 39-42.
10. Ўзбекистан Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган қарор ва фармонлар ижроси юзасидан Қашқадарё вилоятининг туризм соҳасида эришилган натижалар тўғрисида маълумот // Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. - Қарши шаҳри, 2021 йил 19 март.
11. Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. Қарши шаҳри, 2021 йил 19 август.
12. Дала тадқиқотлари. -Қашқадарё вилояти Китоб тумани. 2021 йил 21 август. 4-дафтар.
13. Жуманазар Абдусаттор. Вахшувор. -Тошкент: Академнашр, 2015. - Б. 39-41.
14. Обидов А., Бобохонов Ж. Тариқат силсиласининг олтин занжири. Тошкент: Navro‘z, 2018. - Б. 78.

15. Мирзо Кенжабек. Термиз таскираси. Буюктермизийлар. - Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2017. - Б. 443.
16. Жуманазаров А. Абдулбоқи Хожаги Эмканагий ва унинг Нақшбандия таълимотида тутган ўрни // Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. - Тошкент, 2013. -Б. 34-35.
17. Бердиев А. Оқ-сув зиёратгоҳи хақида // Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. - Тошкент, 2013. - Б. 88-91.
18. Djuraeva S. Representatives of the "Khojagon" direction of the Naqshbandi sect // In Archive of Conferences. Vol.7, No.1, 2020, October. - P. 8- 11.
19. Ислом энциклопедияси. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент: ЎМЭ, 2017. - Б. 551-552.
20. Тошқулов Н. Қадимий ва навқирон Деҳқонобод. Тошкент: Turon-Zamin ziyo, 2015. -Б.19.
21. Алиназарова, Д. В. (2023). ПРЕПОДАВАНИЕ КУРСА «ИСТОРИИ ВОЕННОГО ДЕЛА И ВОЕННОГО ИСКУССТВА В УЗБЕКИСТАНЕ» В ВУЗАХ РЕСПУБЛИКИ И ОТРАЖЕНИЕ В НЕМ ВОПРОСОВ РАЗВИТИЯ ВОЕННОЙ ПЕЧАТИ. *ББК 74.48 П72, 27*, 45.
22. Alinazarova, D. (2023). FROM THE HISTORY OF THE FIRST NEWSPAPER OF BUKHARA JEWS IN HEBREW IN THE FERGANA VALLEY. *International Journal Of History And Political Sciences*, 3(06), 36-40.
23. Алиназарова, Д. (2023). Из истории отраслевых и районных газет Ферганской долины. *Общество и инновации*, 4(2/S), 195-205.
24. Алиназарова, Д. В. (2023). Актуальные проблемы историографии истории военной печати Туркестана (по материалам периодики на иврите и староузбекской графике). In *Россия и Восток. К 300-летию СПбГУ* (pp. 169-172).